

ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ МЕРОСЛАРНИНГ ОБЪЕКТЛАРИНИ АСЛИГАЧА САҚЛАБ ҚИЛИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Фатҳиддинова Хуснора Рашиданбег қизи
Тошкент Кимё Халқаро университети
Туризм факультети талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида юзага чиқаётган бир пайтда, бой меросимизни ўз ҳолича сақлаш энг долзарб масалалардан бири эканлиги, Бир пайтлар омборхонаю қамоқхонага айлантирилиб, оёқости қилинган тарихий манзилларимиз бугун ўз кўрки, ободлиги билан сайёҳлар қадами узилмайдиган гўзал масканлар сифатида таъмирланганлиги ҳамда уларни асраб-авайлаш конституциявий бурчимиз, ҳам давлатимиз, ҳам аждодларимиз олдидаги масъулиятимиз эканлиги бўйича ёритилган.

Калит сўзлар: меъморчилик, туризм, маданий мерос, мақом ва бахшичилик санъати, ёдгорлик, архитектура.

“Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт.

Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 61-модда.

Бош қомусимизнинг ушбу моддаси билан юртимиздаги минглаб тарихий, маданий мерос объектлар давлат муҳофазасига олинган. Уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ўз ҳолича сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш шу юрт фарзандларининг муқаддас бурчи ҳамда вазифасидир. Зеро, аждодларимиздан мерос тарихий қадамжо ва ёдгорликлар асрлар силсиласидан, тарихнинг турли суронли даврларидан ўтиб, бизгача етиб келгани катта тухфа.

Бу ноёб мероснинг кўрку маҳобати, ўзига хос услуб ва дид билан қад ростлагани буюк аждодларимизнинг ақл-зақосидан, меъморчиликдаги бетакроп маҳоратидан сўзлайди. Ҳар бир тарихий ёдгорлик ва обидага ташриф буюрар экансиз, у ернинг ўзига хос иқлими, узоқ тарих билан бугунги кун орасидаги сирли ва ўзгача муҳити кишини ром этади, ҳайрату ҳавасингизга сабаб бўлади.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қад ростлаб турган тарихий-маданий объектлар юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳларнинг энг асосий манзилларидан ҳисобланади. Асрлар билан бўйлашган бу тарих мўъжизалари ҳар бир сайёҳни лол қолдиришини яхши биламиз. Ҳар қандай инсоннинг ҳайратига сабабчи бўлган бу тилсим намуналари юртимизда туризмни ривожлантиришнинг муҳим воситалари ҳисобланади. Уларни асраб-авайлаш Конституция даражасида мустақамланган муҳим мажбурият ва бурчлардандир. Қайд этиш керакки, бугунги кунда юртимизда 8 минг 210 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, шундан:

- археология ёдгорликлари – 4797 та;
- архитектура ёдгорликлари – 2266 та;
- монументал ёдгорликлар – 617 та;
- диққатга сазовор жойлар – 530 та.

Уларнинг ҳар бири ўз бой тарихига, ўтмишига эга.

Мамлакатимиздаги маданий мерос объеклари миллий бойлигимиз, бой тарихимиздир. Шундай экан, уларни асраб-авайлаш бугунги авлоднинг вазифаси, конституциявий бурчи ва мажбурияти ҳисобланади.

Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги тегишли қарорига асосан моддий маданий мерос кўчмас мулк объеклари қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказилди. Хусусан, бугунги кунга қадар Қорақалпоғистон Республикасидаги 178 та, Андижон вилоятидаги 105 та, Жиззах вилоятида 196 та, Навоий вилоятида 245 та, Наманган вилоятида 130 та, Сирдарё вилоятида 66 та, Тошкент вилоятида 354 та, Фарғона вилоятида 70 та ва Тошкент шаҳрида 63 та моддий маданий мерос

объектлари қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказилган. 2022 йилда яна 6 минг 803 та объектни қайта тарихий маданий экспертизадан ўтказилди ва хулосалари олинди.

Тарихий, маданий мерос объектларининг туризм равнақидаги ўрни муҳим. Шу боис ҳам ушбу обидаларни мунтазам таъмирлаш, реставрация қилиш долзарб аҳамиятга эга. Бу борадаги мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ошиб бораётгани эътиборга молик.

Туризм ва маданий мерос вазирлигининг маълумотларига кўра, маданий мерос объектларининг реставрация, таъмирлаш-тиклаш ҳамда консервация ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу мақсадлар учун 2019 йилда жами 73 та объектга 59,9 миллиард сўм, 2020 йилда 75 та объектга 63,6 миллиард сўм, 2021 йилда жами 56 та объектга 45,7 миллиард сўм, 2022 йилда жами 69 та объектга 164,9 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Бу борадаги ишлар 2023 йилда ҳам давом эттирилиб, республикамиздаги 57 та ноёб маданий мерос объектларини таъмирлаш учун 100 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Шунингдек, Далварзинтепа, Мингтепа, Чилонзор Оқтепаси, Шерозқалъа, Кўйқирилганқалъа каби йирик археология ёдгорликларини илмий тадқиқ этиш ва музейлаштириш ишлари олиб борилди. 8 минг 210 та маданий мерос объектларининг 4 минг 599 тасига Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспекторлар бириктирилган.

Шунингдек, вазирликнинг маълумотига кўра, маданий мерос объектларини асраш соҳасида Корея, Япония, Франция, Италия, Туркия, Эрон ва Россия каби мамлакатлар билан дастлабки келишувларга эришилган.

Соҳада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан бирга, ҳамон ўз ечимини кутаётган масалалар борлиги сир эмас. Жумладан, маданий мерос объектларининг теғраларини белгилаш, ҳали тўла ўрганилмаган объектларни тадқиқ этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш долзарб масалалардан.

Соҳадаги энг оғриқли масалалардан бири маданий мерос объектлари ҳудуди доим назорат остида бўлавермайди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳудудга тегишли ғиштларни ўғирлаш, тупроқ ўғирлаш, маданий мерос объекти ҳудудида мол боқиш ёки ноқонуний қурилишларни амалга ошириш сингари қонунбузарликлар кўпни ташкил қилади. Шу кунгача ушбу қонунбузарликлар устидан кўриладиган чоралар ўта «юмшоқ» эди. Бу йўналишдаги қонунбузарликлар учун жавобгарлик давлатимиз томонидан кучайтирилди.

Жумладан, маданий мерос объектларига зарар етказиш бўйича фуқаролар ҳамда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини янада ошириш мақсадида Жиноят кодексига 7 йилгача озоликдан маҳрум қилиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солиш жазо чораси қонунан белгиланди. Бу каби чора-тадбирлар маданий мерос объектларини асраш борасидаги ишлар натижадорлигига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугун туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида юзага чиқаётган бир пайтда, бой меросимизни ўз ҳолича сақлаш энг долзарб масалалардан бири. Бир пайтлар омборхонаю қамоқхонага айлантирилиб, оёқости қилинган тарихий манзилларимиз бугун ўз кўрки, ободлиги билан сайёҳлар қадами узилмайдиган гўзал масканлар сифатида таъмирланган. Уларни асраб-авайлаш конституциявий бурчимиз, ҳам давлатимиз, ҳам аجدодларимиз олдидаги масъулиятимиздир.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 18 сентябрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига асосан Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлмиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу қонунга асосан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш бу маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, ахборотга доир, моддий-техникавий ва бошқа чора-тадбирлар тизимидир.

Тарих, санъат, фан, эстетика, этнология ёки антропология нуқтаи назаридан ҳар томонлама беқиёс қимматга эга бўлган маданий мерос объектлари Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ҳамда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда белгиланган тартибда тегишинча Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ёки Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш йўли билан жаҳон маданий мероси объектлари жумласига киритилиши мумкин.

Маданий мерос объектлари тарихий-маданий экспертизасининг хулосаси асосида маданий мерос объектларини Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ёки Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳузуридаги

Умумжаҳон мероси кўмитаси ва Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро кўмита талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиясига юборилади.

Қонунчиликка асосан моддий маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари уларни консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштиришни, шунингдек улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини ўз ичига олади.

Йўқотилган моддий маданий мерос объекти алоҳида тарихий, илмий, бадиий, шаҳарсозлик ёки ўзгача ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳолларда йўқотилган моддий маданий мерос объекти таъмирлаш усуллари орқали асли ҳолига келтирилади.

Йўқотилган номоддий маданий мерос объекти алоҳида тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳолларда йўқотилган номоддий маданий мерос объекти илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, таъмирлаш усуллари орқали асли ҳолига келтирилади.

Йўқотилган маданий мерос объектини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асли ҳолига келтириш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси хулосаси асосидаги тақдимномасига биноан манфаатдор органлар ва ташкилотларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-405-сон қарори қабул қилинди.

Хужжат билан қуйидагилар номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- номоддий маданий меросни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, рўйхатларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш ва сақлаш;
- мақом ва бахшичилик санъатини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, тарғиб қилишни янада ривожлантириш;
- номоддий маданий мероснинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган намуналарининг, шунингдек, меросни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибаларнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция доирасида халқаро рўйхатларга киритилишига эришиш;
- республика ва халқаро миқёсда этнофольклор экспедициялари ташкил қилиш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш;
- номоддий маданий мерос таълимнинг барча босқичларида ўрганилишини ташкил этиш ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш.

Алоҳида аҳамиятга эга бўлган номоддий маданий мерос намуналари бўйича номоддий маданий мерос намуналарини ёзиб олиш ва кенг тарғиб қилиш, жумладан интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш учун ҳар йили 50 та аудиовизуал асар яратишга давлат буюртмаси берилади. Давлат буюртмаси Маданият вазирлиги томонидан тузиладиган тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширилади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

- Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти асосий вазифалари, шу жумладан этнофольклор лабораторияси ташкил этиш;
- ЮНЕСКОнинг халқаро рўйхатларига тақдим этиш учун номзоднома хужжатлари тайёрланадиган номоддий маданий мерос намуналари рўйхати;

- 2024-2026 йилларда номоддий маданий меросни илмий ўрганиш бўйича маҳаллий ва хорижий этнофольклор экспедицияларини ташкил этиш режаси;
- 2024-2026 йилларда номоддий маданий меросни илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича фундаментал ва мақсадли грантлар бўйича давлат буюртмалари режаси ва бошқалар.

Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган халқаро конгресс, конференция ва бошқа илмий-маданий тадбирлар ҳам Ўзбекистонда маданий меросларнинг объектларини аслигача сақлаб қилишга таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ва «Ўзбекистон маданий мероси» лойиҳаси томонидан 2020 йил 15-16 декабрь кунлари Тошкентда ўтказилган, «Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори» мавзусидаги тўртинчи Халқаро Конгресси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Учинчи Ренессанс дея таъкидланган янги даврга ўтишнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи саналган Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ҳар томонлама ўрганилганини эътироф этди.

«Ўзбекистоннинг маданий мероси дунё тўпламларида» илмий-маърифий лойиҳасининг кейинги беш йилдаги муваффақиятли ва давомли фаолияти доирасида, юқори полиграфик даражада чоп этилган 35 та фундаментал китоб-альбом чоп этилиб, 30 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқарилди, интернет сайтлар ва видео лекторийлар яратилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарларда халқаро конгресслар ва конференциялар ўтказилди. Лойиҳа доирасида бутун умрини Ўзбекистон тарихини ўрганишга бағишлаган япон тадқиқотчиси Като Кюдзонинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўرғазма ташкил этилди.

Бугунги кунда Европа, Осиё ва Америкадаги музейларда тўпланган коллекциялар билан ҳамкорликни йўлга қўйган лойиҳанинг географияси кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур деб ҳисоблаймиз. Ҳозиргача Буюк Британия, Чехия, АҚШ, Ҳиндистон, Япония музейлари коллекцияларига бағишланган жилдлар нашрдан чиқарилди. Лойиҳа томонидан яқин келажакда Корея, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия музейларидаги санъат асарлари ва қўлёзма ёдгорликларига бағишланган альбом ва фильмларни чиқариш назарда тутилган. Ўзбекистон тарихий фанларининг “олтин фонди”ни нашрга тайёрлаш, нодир классик асарлар, шунингдек Г.А. Пугаченкова, Э.В. Ртвеладзе ва бошқа таниқли олимларнинг янги асарларини қайта нашр этиш ишлари давом этмоқда.

Маданий меросни сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги билан ўзбек кинематографиясининг “олтин тўплами” ни асраш бўйича ҳамкорлик ишларини давом эттирмоқда. “Республика кинофонди” давлат унитар корхонаси ва Россия Федерациясининг кинофильмлар давлат фонди билан ҳамкорликда “Тоҳир ва Зухра” (1945, режиссёр Наби Ғаниев), “Маҳаллада дув-дув гап” (1960, режиссёр Шуҳрат Аббосов), “Али Бобо ва 40 қароқчи” (1980, режиссёр Латиф Файзиёв), “Ленинградликлар, жигарбандларим менинг...” (1980, режиссёр Дамир Салимов) каби ўнлаб машҳур фильмларни электрон форматга ўтказиб, Ўзбекистонга қайтаришни режалаштирган. Шунингдек илмий-оммабоп фильмларни суратга олиш дастури ҳам амалга оширилмоқда.

Дунё музейлари, кутубхоналари ва илмий муассасаларида сақланиб қолган Ўзбекистон моддий маданияти ёдгорликларини ўрганиш ва кейинчалик нашр этиш, илмий тафаккур ривожига жуда катта таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг чет элларда жойлашган маданий қадриятлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш маркази

ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди.

Ўзбекистонда маданий меросларнинг объектларини аслигача сақлаб қилиш бўйича таклифлар:

- маданий мерос соҳасида жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- Ўзбекистон билан ЮНЕСКОнинг ҳамкорлигини ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси ишини янада жонлантириш;
- маданий мерос объектларини кино ва сериалларга тасвирга олиш, уларнинг тасвирларидан почта маркалари ва почта варақаларида фойдаланиш орқали кенг тарғиб қилиш;
- моддий маданий мерос кўчмас мулк объектлари атрофини ободонлаштириш, тозалигини сақлаш;
- барча маданий мерос объектларини, тарихий биноларни, таъмирга муҳтож қадимий объектларни реставрация қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш”
- тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган янги аниқланган моддий-маданий мерос объектлари ҳам моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилишини кечиктирмаслик;
- Ватанимиз тарихини ўрганаётган ўқувчиларни аждодларимиз тарихини, маданий ҳаётини ўзида ёрқин акс эттирувчи тарихий объектларга ташриф буюриб, ўз билимларини янада бойитиб ва мустаҳкамлаб боришига оид тадбирларни кўпайтириш.
- маданий мерос объектларига чет эллик туристларнинг ва маҳаллий аҳоли ташрифини кўпайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 01.05.2023 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 18 сентябрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-“Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5150-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-405-сон қарори.

6. Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти ва «Ўзбекистон маданий мероси» лойиҳаси томонидан 2020 йил 15-16 декабрь кунлари Тошкентда ўтказилган, «Ўзбекистон маданий мероси – янги Ренессанс пойдевори» мавзусидаги тўртинчи Халқаро Конгресси материаллари.